

3-ТОМ, 3 - СОН
**ИНТЕРЛЕЙКИН ГЕН ПОЛИМОРФИЗМЛАРИНИНГ ЎТКИР
ПАНКРЕАТИТ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АХАМИЯТИ ВА ГЕНЛАРАРО
ЎЗАРО ТАЪСИРИ**

Турсунов Ф.Н.¹ Исмаилов Ў.С.²

1. Турсунов Фирдавс Нуриддинович-Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали, Хирургик касалликлар ва Оилавий шифокорликда хирургия кафедраси ассистенти, Термиз, Ўзбекистон.

2. Исмаилов Ўктам Сафоевич-Тошкент тиббиёт академияси Хирургик касалликлар кафедраси мудири т.ф.д. профессори., Тошкент, Ўзбекистон.

Долзарблиги: Ўткир жаррохлик касалликлари орасида ўткир панкреатит 6,5% ни ташкил этиб, Қорин бўшлиғи аъзоларининг бошқа касалликлари орасида ўткир аппендицит ва ўткир холесиститдан сўнг учинчи ўринни эгаллайди. Аёллар орасида эркакларга нисбаттан 3-3,5 барабар кўпроқ учрайди. Ўткир шишли панкреатит беморларнинг 77-78% да учрайди, стерил ва йирингли панкреонекроз тахминан 10-12 % беморларда кузатилади. Ўткир панкреатит учун умумий ўлим 2,9 дан 20% гача. Деструктив панкреонекроз билан ўлим барқарор юқори бўлиб қолмоқда 25-85%. Ўткир панкреатит энг оғир ва оқибатини олдиндан айтиб бўлмайдиган касалликлардан бири бўлиб ҳисобланади. У асоратли кечишининг юқори эҳтимоли ва шунга мос равишда ушбу тоифадаги беморларнинг даволанишга кўп маблағ сарфлашлари билан ажралиб туради.

Мақсад: ИЛ-1b, ИЛ-6, ИЛ-10 ген полиморфизмларини генетик текшириш натижасида, ўткир панкреатит ҳамда панкреонекроз кечишини олдиндан прогнозлаш.

Материаллар ва усуллар: Тадқиқот учун материал Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Сурхондарё филиали, Тошкент шаҳар 7-сон клиник шифохонаси ҳамда Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази хирургия бўлимларида 2021-2022 йиллар оралиғда ўткир панкреатитнинг турли шакллари билан стационар даволанган 88 нафар бемор кузатув остида бўлган ва қон намунаси олинган. Назорат гуруҳида 81 нафар амалий (нисбатан ёки шартли) жиҳатдан соғлом инсонлар ДНК ларидан РИГИАТМ (Республика



3-TOM, 3 - SON

иктисослаштирилган гематология илмий амалий тиббиёт марказида сақланган ДНК банки) фойдаланилди. Асосий гуруҳдаги беморлар 50 нафари (56,8%) аёллар ва 38 нафари (43,2%) эркаклардир. Назорат гуруҳи 81 нафар соғлом шахслар 39 нафари (48.1%) эркаклар ҳамда 42 нафар (51.9%) аёллардан иборат. Барча субъектлардан молекуляр генетик тадқиқотлар учун веноз қон олинди. Геномик ДНК стандарт усул - фенол-хлороформ экстракцияси орқали ажратилган. ИЛ-1b (rs16944), ИЛ-6 (rs1800795) ва ИЛ-10 (rs1800896) генларининг полиморфизмларини генотиплаш CFX96 амплификаторида TaqMan зондлари (Bio-Rad Laboratories, AQSh) ёрдамида аллелларни дискриминация орқали «real taum» режимида полимераза занжири реакцияси ёрдамида адабиётларга чоп этилган протоколлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. Генотиплаш сифатини текшириш учун намуналарнинг 10% тасодифий танланган «иш назорат» натижалари асл нусхадан фарқ қилмайдиган қайта таҳлил қилиш учун ўрганилди. Ўткир панкреатит хавфи бўлган ўрганилаётган ген полиморфизмларининг аллел ва генотип ассоциацияларини баҳолаш учун мезони ва коэффициент нисбати (OR 95% ишонч оралиғи (CI) билан) ишлатилган. Статистик таҳлил Статистика 6.0 дастури ("StatSoft" AQSH) ёрдамида амалга оширилди. Статистик аҳамиятлилиқ даражаси $p < 0,05$ да қабул қилинган.

Хулоса: ИЛ-1b, ИЛ-6, ИЛ-10 ген полиморфизмларини текшириш натижаларига асосланиб ўткир панкреатитнинг ривожланишида қуйидаги ИЛ-1b геннинг Т/Т генотиби ($\chi^2 = 4.04$, $p = 0.045$), ИЛ-6 геннинг С/С генотиплари ($\chi^2 = 4.49$, $p = 0.034$) ўткир панкреатит ривожланишида аҳамиятли эканлиги маълум бўлди. Бундан ташқари генлараро ўзаро таъсири ҳам ўрганилганда ИЛ-1b геннинг Т/Т генотиби ва ИЛ-6 геннинг С/С генотиплари бирга қўшилиб келгандаги натижаси ($\chi^2 = 7.9$, $p = 0.005$) шуни кўрсатдики ўткир панкреатит ҳамда панкреонекрозни ҳам ривожланишида аҳамиятлиги аниқланди. Қолаверса ИЛ-1b генининг Т/Т генотиби билан ИЛ-10 генининг G/G генотиплари бирга келганда ўткир панкреатит ва панкреонекрознинг келиб чиқариши исботланди, лекин ИЛ-10 гени алоҳида келганда ўткир панкреатитнинг ривожланишида аҳамиятсиз эканлиги кузатилди.

